

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун, қоида, тартиб, сиёсат, талаб ва бошқалар

1. 2017 йил 3 январда ЎРҚ-419-сон билан Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

2. Ушбу Қонуннинг мақсади коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатdir.

3. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари:
Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги;
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;
Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонунчиликка мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга оширади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июнда ПҚ-4761-сонли Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

5. 2024 йил 5 июнда ЎРҚ-931-сон билан Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

6. Ушбу Қонуннинг мақсади манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборатdir.

7. “Ўзбек геология қидирув” АЖда 2021 йил Коррупцияга қарши ички назорат бўлими фаолияти йўлга қўйилди.

8. “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг Коррупцияга қарши ички меъёрий хужжатлари:

- АЖнинг “Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати”;
- АЖнинг “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги НИЗОМ”и;
- АЖнинг “Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш УСЛУБИЁТИ”
- АЖнинг “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш Сиёсати”
- АЖнинг “Ахлоқ кодекси”
- АЖнинг “Қоидабузарликлар ҳақида хабардор қилиш Сиёсати”
- АЖнинг “Коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва Ахлоқ кодекси қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича РЕГЛАМЕНТИ”
- АЖнинг “Ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича ЙЎРИҚНОМА”

9. коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш.

коррупцияга оид хукуқбузарлик — коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш.

манфаатлар тўқнашуви — шахснинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг ўз лавозим ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг хукуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган (мавжуд

манфаатлар тўқнашуви) ёки юзага келиши мумкин бўлган (эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви) вазият.

яқин қариндошлар-ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари.

Алоқадор шахслар - АЖ ходими билан тижорат АЖларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган микдордаги акцияга эга эканлиги бундан мустасно.

10. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисида хабардор қилиш учун имконини беришга мўлжалланган АЖнинг ишончли каналлари.

- Ишонч телефон орқали - 95-505-99-00;
- электрон почта орқали - anticor@uzgeo.uz;
- расмий веб-сайти орқали - <https://www.uzgeo.uz/interactive-services/virtual-reception>;
- Телеграм бот орқали - [@ichkinazoratbot](https://t.me/ichkinazoratbot);
- Коррупцияга қарши ички назорат бўлимига (тел.: 55-503-14-63, ички: 7024);
- почта орқали – 100164, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Олимлар кўчаси, 49-йи;
- бевосита АЖ бошқарув раисига;
- АЖнинг Ахлоқ комиссияси раисига.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 14 ноябрдаги 758-сон Қарори З-иловаси билан Мехнат Кодексининг 121-моддасига мувофиқ қариндошларнинг бирга ишлашларини чеклаш тўғрисидаги қоидалардан истисноларга йўл қўйилиши мумкин бўлган давлат ташкилотлари ходимларининг рўйхати тасдиқланди.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 14 ноябрдаги 758-сон Қарорнинг З-иловаси 11-бандига кўра Дала геология (экспедициялари, участкалари ва бошқа) ташкилотлари ходимлари бирга ишлашлари чекланмайди.

13. Ҳар йил Коррупцияга қарши ички назорат бўлими ва таркибий бўлинмалардаги масъуллар томонидан барча ишчи, раҳбар ходимлар коррупцияга қарши ўқитилиши лозим.

14. Лоббизм бу-(инглиз. лоббий – кулуар, коридор) норасмий шахсларнинг ўзаро учрашиб, расмий қарорлар устунлик қабул қилишдаги сиёсий таъсирнинг ўзига хос тури.

15. Фаворитизм бу-химоя остидаги айрим ходимларни яқин олиш ва қўллаб-қувватлаш.

16. Кронизм бу-(инглиз. ҳамфир, таниш-билишчилик, гурухбозлик) Лавозимларни таниш-билишчилик асосида дўстларга бериш.

17. Непотизм бу-(лот. nepos жиян) Этник принциплар асосида давлат тузилмаларида ёки бошқа тузилмаларда тор гурухчилик манфаатлари билан иш кўриш.

18. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ИСО 37001:2016 Ҳалқаро стандарт бу- ташкилотда коррупцияга қарши курашнинг самарали тизимини яратишнинг ҳалқаро усусларини ўзида жамлаган, коррупцияга қарши мукаммал бошқарув тизимини йўлга қўйишга хизмат қиладиган ҳалқаро стандартдир.

19. Манфаатлар тўқнашувлари турлари:

Эҳтимолий (потенциал) манфаатлар тўқнашуви – ходимнинг, унинг яқин қариндошларининг ва (ёки) Ташкилот билан боғлиқ бўлган шахснинг шахсий манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий ва бошқа манфаатлари) муайян вазиятлар юзага келганда, улар Ташкилотнинг манфаатларига қарама-қарши бўлиши ва Ташкилот ходимлари томонидан хизмат мажбуриятларини бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган вазият;

Ҳақиқий (реал) манфаатлар тўқнашуви – ходимнинг, унинг яқин қариндошларининг ва (ёки) Ташкилот билан боғлиқ бўлган шахснинг шахсий манфаатлари (шу жумладан,

шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари) Ташкилот манфаатларига бевосита ёки билвосита қарама-қарши бўлган вазият.

20. Акциядорлик жамияти ходимлари меҳнат фаолияти давомида эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар қуидаги қоидаларга амал қилиши лозим:

- давлат хизматининг обрўсига путур етказиши мумкин бўлган хатти- ҳаракатлардан тийилиш, ахлоқ нормаларига доимий риоя қилиш;
- лавозим мажбуриятларини зарур даражадаги касбий салоҳият ва вижданан бажариши, ўз малакасини мунтазам ошириб бориш;
- ҳамкаслар билан ўзаро самарали билим алмашиш ҳамда иш юзасидан юқори даражада мулоқот олиб бориши, мураккаб вазифаларни бажаришда ҳамкасларига кўмаклашиш;
- лавозим Йўриқномаларида, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Акциядорлик жамиятининг ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган ваколати доирасида ҳаракат қилиш;
- хушмуомалалик, эътиборлилик ва хушёрик билан фуқароларда давлатга нисбатан ишонч ва ҳурмат ҳиссини уйғотиш;
- масъулият, касбига садоқат ва ҳалолликни кундалик шиорга айлантириш;
- юқори турувчи органлар ва мансабдор шахсларнинг ваколатлари доирасида қабул қилинган (берилган) қарорлар (топшириқлар)ини ўз муддатида ҳамда сифатли бажариш;
- меъёрий-хуқуқий ва ички меъёрий ҳужжатлар билан ўрнатилган чеклов ҳамда тақиқларга, жумладан, коррупцион ҳаракатларга чек қўйиши;
- умумий ахлоқ қоидалари ҳамда ахлоқ кодексига ишдан ташқари вақтда ҳам амал қилиш;
- фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи ва бошқа омиллардан қатъий назар, улар билан бир хил, самимий, одоб доирасида муносабатда бўлиш;
- жамиятда ахлоқнинг умумэътироф этилган қоидаларига амал қилиш.

21. Акциядорлик жамиятида кийиниш тартиби қуидагиларни ифодалайди:

- кийимларнинг ўта тор ёки ўта кенг бичимда, ранг-баранг ва гулли бўлмаслиги;
- ходимлар иш жараёнида классик ёки маҳсус кийимда бўлиши;
- аёллар кийимининг узунлиги тиззадан 5-15 см пастда бўлиши, қўйлакнинг енг қисми 10 см кам бўлмаслиги;
- эркаклар учун шимнинг узунлиги оёқ тўпифидан пастда бўлиши;
- кийимларнинг тоза ва дазмолланган бўлиши.

22. Акциядорлик жамиятида Коррупцияга қарши курашишдаги асосий вазифалар қуидагилар ҳисобланади:

- АЖда коррупцияни тубдан йўқ қилишга эришиш;
- Ходимлар хуқуқий онги ва маданиятини ошириш, коррупцияга нисбатан тоқатсиз муносабатни шакллантириш;
- АЖ фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш;
- Коррупцион хуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, оқибатлари, коррупциявий хуқуқбузарликларга олиб келувчи сабаблар ва шартшароитларни бартараф этиш, коррупциявий хуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарлик муқаррарлиги тамойилини таъминлаш.

23. Ташкилотларда ходимлар “Коррупцияга қарши сиёсати”, “Одоб-ахлоқ кодекси”, “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги Низом”ларини ва уларнинг мазмунмоҳиятини билишлари ва уларга риоя қилишлари лозим.

24. Коррупция ҳолатлари учун Маъмурий жавобгарлик, Жиноий жавобгарлик ва Интизомий жавобгарлик жавобгарликлар назарда тутилган

25. ISO 37001:2016 халқаро стандартни татбиқ этадиган ташкилотлар учун куйидаги афзаликлар мавжуд:

- ушбу стандарт бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
- коррупциявий хавф-хатарлар хавфини камайтиради;
- ошкораликни қўллаб-куватлаш ва манфаатдор томонларнинг коррупцияга нисбатан позицияси тўғрисида хабардор бўлиш учун восита бўлиб хизмат қиласди;
- манфаатдор томонларни ташкилотда коррупциянинг олдини олиш учун тегишли чораларни қўрилаётганига ишонтиради;
- ташкилотни, унинг активларини, акциядорлари ва директорларини коррупция ва коррупциянинг салбий таъсиридан ҳимоя қиласди;
- Стандарт ташкилотларга қонунчилик талабларига мувофиқ фаолият юритаётганигини билдиради.

26. Пора олиш - ЖКнинг 210-моддаси. Пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора беряётган шахснинг манфаатларини қўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий манфаатдор бўлиши.

27. Пора бериш - ЖКнинг 211-моддаси. Пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини қўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш.

28. “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамиятида коррупцияга оид маъмурий ҳукуқбузарлик ҳақида берилган хабар учун энг кам рағбатлантириш миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари этиб белгиланган.

29. Куйидаги шахслар “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамияти ходимига алоқадор шахслар деб эътироф этилади:

- ходимнинг яқин қариндошлари;
- ходим ва унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахснинг устав фондига (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгалик қиласа, ўша юридик шахс;
- ходим ёхуд унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахсда бошқарув органининг раҳбари ёки аъзоси бўлса, ўша юридик шахс.

30. Коррупцияга қарши курашишда фаол иштирок этиш - тайёргарлик қўрилаётган, содир этилаётган ёки содир этилган коррупцияга оид ҳукуқбузарлик ҳақида хабар бериш ёхуд коррупцияга оид жиноятларни содир этганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ қидирув эълон қилинган шахсларни топишда ёрдам кўрсатиш.